O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 25-aprel • Shanba • 49 (29.010) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎзХДП вилоят кенгашлари пленумларида партия ташкилотлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар чуқур таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкент, Ўзбекистон

Муҳтарам Президент жаноблари!

Жаноб Шигео Кацунинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи давомида Жаҳон банки делегацияси билан ўтказган самарали мулоқотингиз, шунингдек, 2009 йил 3 март куни йўллаган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаҳон банки гуруҳи сув-энергетика тармоғи Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этади. Минтақадаги узоқ муддатли барқарорлик ва истиқболда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши кўп жиҳатдан минтақавий ҳамкорлик муваффақиятига ҳамда барча миллий стратегик манфаатларнинг ҳурмат қилинишига боғлиқдир.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳукумати мурожаатига жавобан, Жаҳон банки гуруҳи Марказий Осиёнинг беш мамлакати билан сув-энергетика масалалари юзасидан фаол музокара олиб бормоқда. Жаҳон банки гуруҳи БМТ Бош ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда қабул қилинган «Энергия манбаларининг ишончли ва узлуксиз транзити ҳамда унинг барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорликни таъминлашдаги роли» резолюциясига тўла мос равишда фаолият юритиб, барча аъзо мамлакатларнинг олий манфаатлари йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда, ўз қоида ва процедуралари қўлланишига ғоят катта эътибор қаратмоқда.

Жаҳон банки гуруҳи сўнгги йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги сув ва энергетика билан боғлиқ бир қанча лойиҳаларни амалга оширишда, бу борада тадқиқотлар олиб боришда иштирок этди. Бу лойиҳа ва тадқиқотлар Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик доирасида Энергетика бўйича стратегик концепция ишлаб чиқиш имконини берди. Мазкур концепция 2008 йил ноябрда Бокуда ўтказилган вазирлар даражасидаги конференция чоғида барча мамлакатлар томонидан маъқулланди. Жаҳон банки гуруҳи ушбу концепцияга асосланган ҳолда, минтақадаги аниқланган ва келгусида аниқланадиган энергия ресурслари, жумладан, сув ва иссиқлик энергетикаси ресурслари, қайта тикланадиган ва бошқа энергия манбаларининг ҳажмини белгилаб олиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Шу асосда трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг қишки мавсумда энергияга муқаррар эҳтиёжи, трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг ёз мавсумида экологик ва гидрологик эҳтиёжларига тегишли равишда эътибор қаратилишини ҳамда улар ўртасида мувозанат сақланишини таъминлайдиган бир қатор изчил чора-тадбирларни таклиф қилмоқчи эдик.

Тожикистон ҳукумати таклиф этган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзасидан қуйидагиларни баён этишга ижозат бергайсиз. Банк бу қурилишнинг минтақага салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Тожикистон ҳукумати олдида фақат дастлаб лойиҳани қай даражада амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш учун бирламчи тадқиқотларни ўтказиш мажбуриятини зиммасига олди.

Ушбу тадқиқотлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга оид халқаро битимларга мувофиқ, таклиф этилган лойиҳанинг техник, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан нечоғли мақсадга мувофиқ экани, шунингдек, қурилиш келтириши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий оқибатлар аниқланади.

Шу маънода, Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бу омилларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Кацу жаноблари, Жаҳон банки гуруҳи ушбу масалалар техник тадқиқотларнинг ажралмас қисми сифатида жуда пухта ўрганиб чиқилишини кафолатлайди, деб Сизни ишонтириб айтган эди. Мен ҳам буни алоҳида таъкидламоқчиман. Қўшимча равишда шуни айтишим керакки, ушбу тадқиқотларнинг натижалари барча манфаатдор мамлакатларга тақдим этилади ва бу каби иншоотлар қурилиши борасида умумий, ўзаро мос нуқтаи назар ва ёндашувларни шакллантириш учун муҳокама этилади.

Сиз кўтарган барча масалалар ушбу тадқиқотларнинг техник вазифалари сирасига киритилади. Тадқиқотларни Жаҳон банкининг тартиб-қоидаларига мос равишда жалб қилинадиган, халқаро миқёсда эътироф этилган консалтинг компаниялари олиб боради.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, банк тадқиқот натижалари бўйича мустақил хулоса берадиган Халқаро мустақил экспертлар комиссиясини таъсис этади. Жаҳон банки ошкораликни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари Халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқилаверади.

Томонларнинг барчаси ўзини ташвишга солаётган масалалар тўлиқ ҳал этилганига ишонч ҳосил қилиб, Роғун ГЭСи каби лойиҳаларга сармоя киритиш мақсадга мувофиқ ва фойдали эканини маъқулласа, Ўзбекистоннинг бундай инвестицион лойиҳаларда иштирок этишга қизиқиш билдиришидан мен мамнун бўлур эдим.

Сизнинг мактубингизда таъкидланганидек, Марказий Осиёнинг энергия экспорти борасидаги салоҳиятини ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Бизнинг мақсадимиз минтақага сармоя барқарор ва изчил кириб бориши учун масаланинг техник, молиявий ва экологик жиҳатларини кўриб чиқиш юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилишдан иборатдир. Шунингдек, Сиз билан Ўзбекистонга қўшни мамлакатларнинг энергетика соҳасида дуч келаётган қисқа муддатли, лекин мураккаб муаммоларини ҳал этиш бўйича ёндашувларни муҳокама этишни истар эдик.

Биз истиқболда Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришдан ғоят манфаатдормиз.

Эҳтиром ила,

Роберт ЗЕЛЛИК,
Жаҳон банки президенти

2009 йил 15 апрель

✓ **ЎзХДП ҳаёти**

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоят кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари мазмун-моҳиятини электорат, партия аъзоларига тушунтириш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этишда партия фаоллари ва депутатлик гуруҳларининг иштироки масалалари муҳокама этилди.

ДАСТУРИЙ РЕЖАЛАР ИЖРОСИ

партия ташкилотларининг самарали фаолиятига боғлиқ

— Мамлакат иқтисодиётини жаҳон молиявий инқирози оқибатларидан сақлаш борасида олиб борилаётган ишларда фаол қатнашиш, бу жараёнда аввало электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ташаббуслар билан чиқиш фаолиятимиз асосини ташкил этиши лозим, — деди **Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун ШОЙИМҚУЛОВ.** — Давлатимиз ижтимоий сиёсатининг жойларда масъулият билан амалга оширилиши устидан мустаҳкам жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам талаб этилмоқда.

Айтиш керакки, ўтган йил давомида қатор камчиликларга йўл қўйдик. Партиямизнинг туман кенгашларида фойдаланилмаган имкониятлар ҳам талайгина. 2009 йилга мўлжалланган иш режаларида партия мафкуравий, ташкилий ва ижтимоий фаолиятини такомиллаштиришда шаҳар кенгаши томонидан ташкилий, ахборий-услубий кўмак беришни кучайтириш кўзда тутилган.

2-бет

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг йиғилиши тўғрисида

2009 йил 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда хавфсизликка нисбатан турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтириш ва мамлакатимиз ҳамда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида кўрилган қўшимча чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилинди.

Ҳукумат ва тегишли идора раҳбарларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирларнинг жойлардаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

(ЎзА)

✓ **Тараддуд**

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда эстрада бирлашмасининг вилоят бўлимлари бошлиқлари, таниқли шоирлар, бастакорлар, хонандалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, ушбу кўрик-танловнинг ҳозирда бошланган 1-босқичи 1 июлда ниҳоясига етади. 2-босқичи 1-20 июль кунларида бўлади. Якунловчи 3-босқич Тошкент шаҳрида 20 июлдан 10 августгача ўтказилади. Йиғилишда бирлашма томонидан кўрик-танловни ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилгани, вилоят бўлимлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида берилган амалий ёрдамлар ва қўшиқчилигимиздаги саёз ижролар олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида гапирилди. Шундан кейин қатнашчилар мазмунан теран, бадиий жиҳатдан мукаммал Ватан ҳақидаги қўшиқларни яратиш, янги истеъдод соҳибларини кашф қилиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Яқинда битта туманда кўрик-танловнинг 1-босқичи бўлиб ўтгани тўғрисида эшитиб қолдим, — деди таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Анор Назаров. — Ахир, қарорда халқимиз орасида бир умр қоладиган, даврларда жўр бўлиб куйланадиган Ватан ҳақида қўшиқлар яратиш таъкидланган. Кўрик-танловни бундай тарзда шошма-шошарлик билан ўтказиш орқали олдимизга қўйилган катта мақсадга эриша олмаймиз.

— Қўшиқчилигимизни ривожлантиришга яна бир карра давлат миқёсида эътибор қаратилгани биз — санъат аҳлини хурсанд қилди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозов. — Аввало, бу муҳим қарорни чуқур ўрганишимиз, унинг ғоясини кенг тарғиб қилишимиз керак. Токи чекка-чекка туманлардаги Ватан ҳақида қўшиқ айтиш истагида бўлган кишилар ҳам уларга куйлаш учун имконият яратилганини ҳис қилишсин.

— Қарорнинг асосий мақсади Ватан ҳақида яхши қўшиқ яратиш, — деди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. — Ундаги сўзлар, ташбеҳлар, оҳанглар янги ва жозибали бўлиши лозим. Бунинг учун шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорликда астойдил ижод қилиши керак бўлади.

Йиғилишда Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, умуман, қўшиққа дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Ана шундагина муқаддас Ватанимизни янада улуғлайдиган, юртдошларимиз қалбида Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайдиган қўшиқлар яратилади.

(Ўз мухбиримиз)

● **БИТТА ЕРГА ИККИ ҚАРОР, ТАЛАБГОР**

ёки бир парча ер учун бир неча йиллик тортишув ва оворагарчилик хусусида

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

● **ЯШИЛ БОЙЛИК**

3-бет

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

● **ҲУР ЎЗБЕК ЮРТИМГА БОШ КЕНТИМ**

4-бет

ПОЙТАХТИМИЗ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Шу кунларда пойтахтимизнинг 2200 йиллигини юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлашга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот тингланди.

Шаҳарни ободонлаштириш, замонавий бинолар барпо этиш билан бирга, тарихий обидалардан йигирма иккитасида реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

✓ Депутат минбари

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ҳаёт талаби

Аҳолининг турмуш фаровонлиги мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятига бевосита боғлиқ. Жойларда қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат дастурлари қанчалик тугал ижро этилса, бунинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Бу борада жамоатчилик назоратини таъминлашда сиёсий партиялар депутатлик бирлашмаларининг ўзига хос ўрни бор.

ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бу мақсадларга тўла эришишнинг қонуний асосларини муҳтаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, партия электорати, мақсадларига бевосита алоқадор масалаларни муҳокама этилиши жараёнида фаол иштирок этиб, тегишли таклифларни киритаётгани эътиборга лойиқ.

Шу ўринда савол туғилади: ХДПдан Андижон вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар ҳам шундай фаоллик кўрсатаяптими?

Президентимиз Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда барча бўғинлардаги депутатлар фаоллигини оширишни ҳаётни ўзи талаб қилаётганини алоҳида таъкидлади. Мана шу нуқтаи назардан ёндашиб, партия Марказий Кенгаши IX пленуми йўл-йўриғига мувофиқ, фаолиятимизни таҳлил этадиган бўлсак, тан олишимиз керак, ишимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз қийин. Тўғриси, ютуқларимиздан кўра, камчиликлар кўп. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари қонунда кафолатланган ваколатларидан ҳам етарли фойдаланмаяпмиз. «Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида шундай деб ёзилган:

«Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. У тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳақида бу масаланинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдириши, тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган мансабдор шахсларнинг номзоди бўйича фикр билдириш ҳуқуқига эга». Афсуски, ҳеч биримиз ана шу ваколатлардан самарали фойдалана олаяпмиз дея олмайман.

Ҳаёт эса биздан фаолликни, эл-юрт манфаати йўлида фидойи бўлишни талаб этмоқда. Айни чоғда халқимиз дунёқараши, сиёсий онги ошиб бораётгани, кечаги сайловчи билан бугунгиси ўртасида катта фарқ борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Одамлар бизнинг чиройли гапларимиз эмас, балки амалий ишларимизга қараб баҳо беради. Вилоятимиздаги депутатлик гуруҳи ёки ҳар биримиз депутат сифатида у ёки бу ишга ҳисса қўшаётганмизни санаб, ўзимизни оқлашга уринишимиз мумкин. Аммо, бу фаолиятимиздан одамлар қониқаяптими, катта ўзгаришлар бўлаётган бугунги кунга қай даражада муносиб ҳаракат қилаяпмиз?

Ушбу саволлар устида ўйласак, жавоб топишимиз қийин бўлади. Шу боис, ўтаётган ҳар бир кундан самарали фойдаланишимиз, инқирозга қарши чоралар дастури, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси таъминланишида амалий ишларимиз билан иштирок этишимиз зарур. Одамлар ишончи, депутатлик масъулияти шуни тақозо этади.

Ойбек ЁҚУБЖОНОВ,
Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати, Андижон қишлоқ хўжалик институти ректори.

ДАСТУРИЙ РЕЖАЛАР ИЖРОСИ

партия ташкилотларининг самарали фаолиятига боғлиқ

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган 13 нафар депутат турли комиссиялар таркибида фаолият кўрсатмоқда, — деди депутатлик гуруҳи раҳбари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори Гулчеҳра Охунова. — Депутатларимиз аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш борасида амалий ишларни қилмоқда. Электоратимиз вакилларини ташвишга солаётган муаммоларни муҳокама қилиб, тегишли ташкилотлар кўмагида ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишаяпти. Аммо ишларимиз бугунги кун талабига жавоб бермаётганини очиқ тан олиш ва бундан тўғри хулоса чиқариш зарур.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдурахимова, шаҳар Кенгаши депутати Сергей Ким ва бошқалар депутатлик гуруҳларининг фаолиятини яхшилаш, камчиликлар, сусткашлик ва ташаббуссизлик ҳолларини бартараф этиш ҳақида мулоҳазалар билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш раиси Латиф Ғуломов иштирок этиб, Президентимиз китоби асосида партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган тадбирлар, режалаштирилаётган ишлар самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий соҳага йўналтирилган фармон

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар

ва қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан партия кенгашлари, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг аниқ вазифалари ҳақида тўхталди. Партия кенгашлари, депутатлик гуруҳи фаолиятига танқидий муносабат билдириб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларига эътибор қаратди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Рашид МУРТОЗАЕВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Партиямиз Марказий Кенгаши пленумида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга таъсирининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларда муносиб иштирок этиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ташкилотларимиз ва депутатлик гуруҳларимизнинг электорат манфаатларини таъминлаш, ҳудудлардаги ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш вазифалари доимий эътибордан четда бўлмаслиги керак.

Жумакул ҚУРБОНОВ, Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашида 29, туман ва шаҳар Кенгашларида 254 нафар партиямиз депутати фаолият кўрсатади. Вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. 2008 йилнинг 15 июнида ўтган сессияда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг вилоят халқ таълими тизимида ижро этилиши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. 25 декабрдаги сессияда аҳолидан тушаётган шикоят ва ариза-ларни тегишли қонунларга биноан ҳал этишнинг аҳволи кўриб чиқилди. Бу масалалар депутатларимизнинг фаол иштирокида тайёрланган. Булар ибратли ишлар. Бироқ камчиликлар ҳам кўп. Қамаши, Миришкор, Чироқчи, Косон туманларидаги депутатлик гуруҳларининг фаолияти суст, ташаббуслари сезилмаяпти.

Партия Қарши шаҳар кенгаши раиси, Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Комила Каромова, Қарши шаҳар Кенгаши депутати Озод Умиров, Қарши давлат университети профессори Норбой Узоқов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбарининг асарини ўрганишнинг долзарблиги, жаҳондаги иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, мамлакатимизда унинг олдини олишдаги ишларда партия ташкилотлари, депутатлар ва фаолларнинг иштирокини кучайтириш, реал вазиятдан келиб чиқиб нималар қилиш лозимлиги ҳақида фикр юритдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов сўзга чиқди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

— Хонқа, Хива туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари бир қатор масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқди. Аммо, масалани кўтариш бошқа-ю, ижросини назорат қилиш бошқа, — деди **ЎзХДП Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Раимберган САБУРОВ.** — Хива туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилган касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича қарор қабул қилинган бўлса-да, ҳануз унинг ижроси тўлиқ таъминлангани йўқ. Айрим депутатлар партия ташкилотлари ва сайловчилар билан алоқасини узиб қўйгани ачинарли ҳолдир.

У ушбу камчиликлар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларни бартараф этиш чоралари бўйича фикр юритди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров сўзга чиқди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши пленумида аҳолини иш билан таъминлаш, моддий даромадларини ошириш ва шу орқали фаровон турмуш шароитларини таъминлаш юзасидан маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига масалалар киритиш, туман, шаҳар ҳокимликлари, тегишли идораларга таклифлар билан чиқиш партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши кераклиги қайд этилди.

Бу борада сўз юритган вилоят **партия кенгаши раиси Алишер ТОШМАТОВ.** Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ҳал этиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида қабулхоналар ишига партиядан сайланган депутатларни изчил жалб этиш лозимлигини таъкидлади.

Пленумда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Алия Юнусова, Рустам Тиллабоев, Боймурод Юсуповлар партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Тадбир

ОСТОНА БОЖХОНАДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимиз божхона хизмати — Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят, Тошкент шаҳар божхона бошқармалари ва «Тошкент — Аэро» ихтисослашган божхона таркибига кирувчи 164 та божхона пости, шу жумладан, 107 та чегара ва 57 та ташқи иқтисодий фаолият постини ўз ичига олади.

Мамлакат остонаси божхонадан бошланади. Божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш, тизимда кадрлар сиёсатига эътибор қаратиш ва қулай, тезкор, мобиль божхона назоратини ўрнатиш ушбу остонанинг мустаҳкамлигини ҳамда ишончлилигини таъминлайди.

Кеча Олий ҳарбий божхона институтида Давлат божхона қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган брифингда юқоридаги каби масалалар хусусида фикр юритилди.

ОАВ ходимлари билан очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда қўмита бошқармалари бошлиқлари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари иштирок этди.

Акбар АБДИМУРОД

✓ Ҳолат, муносабат

БИТТА ЕРГА ИККИ ҚАРОР, ТАЛАБГОР

ёки ер майдони учун бир неча йиллик тортишув ва оворагарчилик хусусида

«Зайнаб» шахсий ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари Юсуф Мамаризаев 2000 йил 20 ноябрда яхши ниятлар билан «5-сон қурилиш трести майдони» очиқ акциядорлик жамияти омборхонасини сотиб олди. Табиийки, ўртада ўзаро олди-сотди шартномаси имзоланди. Кўп ўтмай, яъни 29 декабрда Самарқанд шаҳар собиқ Темирйўл туман ҳокимининг қарори билан «Зайнаб» ШИЧСФга омборхона жойлашган ҳудуддан 0,44 гектар ер майдони ажратиб берилди. Ер кадастр ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, тегишли тартибдаги гувоҳнома олинди. Ҳисоб-китоб қилиниб, топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилди. Омборхона ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги сабабли тозаланди, таъмирланди, шиферланди.

Аммо орадан тўрт йил ўтгач, «Зайнаб» ШИЧСФга қарашли ер майдонининг 0,06 гектарига яна бир «эга» чиқади.

— 2005 йилда Бахтиёр Розиқов деган шахс бизга қарашли омборхонанинг кириб-чиқиш йўлини тўсиб, қурилиш ишларини бошлаб юборди, — дейди Юсуф Мамаризаев. — Пойдевор ҳам кўтариб қўйди. Унга «Қурилишни нега бошладингиз? Ахир, бу ер менга тегишли эканлигини билардингиз-ку?» — десам, Самарқанд шаҳар собиқ ҳокимининг 2004 йил 29 мартдаги қарорини кўрсатиб, «Сизга район ҳокимлиги қарор чиқариб берган бўлса, менга шаҳар ҳокимлигига қарор чиқариб берди. Менинг қарорим устун туради», деди. Дардимизни айтиб Самарқанд шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилдик. Қурилиш тўхтади.

1

2006 йил июль ойида қурилиш яна бошланиб-ди, деган хабар келди. Бордим. Бу гал Жамол Воҳидов деган шахс қурилиш қилаётган экан. «Бизга қарашли ерда нега қурилиш бошладингиз?», — деб сўраганимда унинг жавоби шундай бўлди: «Бу ерни Бахтиёр Розиқовдан сотиб олганман».

Жамол Воҳидовга кадастр ҳужжатлари кўрсатилган. Шундан сўнг қурилиш бир муддат тўхтайди. Аммо орадан бир ойча вақт ўтгач, яна бошланади. Шундан сўнг Юсуф Мамаризаев фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво ариза билан мурожаат қилади. Даъвода Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2004 йил 29 мартдаги қарорини бекор қилиб, ўзбошимчалик билан қурилган биноларни бузиб, ер майдонини олиб беришни сўрайди. Ўз навбатида Бахтиёр Розиқов билан Жамол Воҳидов собиқ Темирйўл тумани ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги қарорини бекор қилишни сўраб қарши даъво ариза билан чиқади. «Иш» ниҳоясига етмай, «5-сон қурилиш трести майдони» ОАЖ директори Ж.Саъдуллаев туман ҳокими қарорини бекор қилиб, ерни ОАЖ ихтиёрига қайтариш тўғрисида даъво ариза билан хўжалик судига мурожаат қилади. Иш фуқаролик судида кўрилаётганига қарамасдан вилоят хўжалик суди ишни кўра бошлади.

2007 йил 26 февралда Самарқанд вилоят хўжалик суди (судья И.Эгамбердиев) собиқ Темирйўл туман ҳокимининг 2000 йил 29 декабрдаги ОАЖга берилган ер майдонидан 0,44 гектар ерни «Зайнаб» шахсий ишлаб чиқариш савдо фирмасига бириктириш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топди. 2007 йил 11 майда Олий хўжалик суди кассация инстанцияси томонидан Самарқанд вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилди. Кассация босқичи ушбу низо хўжалик судига эмас, фуқаролик судига тегишли эканлигини, бинобарин бу иш бўйича фуқаролик низоси кетаётганлигини асос қилиб олди.

Яна бир ажабланарли томони, Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Норбоевнинг ОАЖ билан «Зайнаб» ШИЧСФ ўртасида 2000 йил 20 ноябрда тузилган шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш ва ноқонуний бегоналаштирилган мулкларни давлат эгалигига қайтариш тўғрисида даъво аризаси дастлаб вилоят хўжалик суди судьяси Р.Ҳайдаров раислигида кўриб чиқилиб, мазкур низо хўжалик судига тааллуқли эмаслиги, айни пайтда иш фуқаролик судида кўрилаётганлиги сабабли иш юритиш тугатилган эди. 2007 йил 18 сентябрда эса яна вилоят хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрди ва иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни бекор қилди.

2

Иш янгидан кўриш учун биринчи босқич судига юборилди. 2007 йил 21 декабрда вилоят хўжалик суди судьяси Г.Абдукаримова иш юритишни тиклаш хусусида ажрим чиқарди ва 2008 йил 28 январдаги ҳал қилув қарори билан вилоят Давлат мулки қўмитасининг даъво аризасини қаноатлантирди. Бу иш ҳам худди аввалгидек Олий хўжалик судининг кассацияси инстанцияси томонидан 2008 йил 12 майда низо фуқаролик судига тегишли эканлиги сабабли қуйи суд қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилди...

Эътибор берсангиз, юқоридаги икки ҳолатда ҳам Олий хўжалик суди судьялари томонидан иш қайси судга тегишли эканлигига аниқлик киритилмоқда! Унгача вилоят хўжалик судининг қатор судьялари бу ишни кўришган. Томонлардан давлат божлари ундирилган. Томонлар судларга қатнаган, вақт йўқотган. Юқоридаги каби йўқотишларни ким қоплайди? Ахир қуйи суддаёқ, фуқароларни сарсон қилмасдан, низо қайси судга тегишлилигига аниқлик киритиш керак эмасмиди?

Фуқаролик иши нима бўлди, дерсиз? 2007 йил 8 октябрдаги қарор билан фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди «Зайнаб» фирмасининг даъвосини рад этди. Бахтиёр Розиқов ва Жамол Воҳидовнинг қарши даъвоси қаноатлантирилди. «Зайнаб» ШИЧСФдагилар қарордан норози бўлиб, юқори инстанцияга шикоят ёзди. 2007 йил 20 декабрда Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси шаҳар суди қарорини ўзгаришсиз қолдирди. 2008 йил 8 октябрда Олий суд раиси ўринбосари протест келтириб, кассация инстанциясининг ажримини бекор қилишни ва ишни янги кассация тартибида кўришни сўради. Протест қаноатлантирилди. Иш 2008 йил 30 декабрда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясида О.Назаров раислигида кўриб чиқилиб, қуйи суд қарори яна ўз кучида қолдирилди.

Даъвони рад этишда суд собиқ Темирйўл ҳокими қарор қабул қилишда «Зайнаб» хусусий фирмаси билан ОАЖ ўртасида омборхона биноси олди-сотди шартномаси, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари йўқлигига эътибор бермаганлиги, 0,44 гектар ер майдони қаердан ажратиб берилгани, ер майдони кимга тегишли эканлиги аниқланмаганлиги ва ер майдони ажратиш тўғрисида далолатнома мавжуд эмаслиги, ер чегаралари хариталарда белгиланган кейингина кадастр ҳужжати қилиниши кераклигини асос қилаяпти.

Мақола бошида омборхона биноси олди-сотди шартномасидан кейин ҳокимликнинг қарори чиққанлигини таъкидлаган эдик. Суднинг бошқа важлари хусусида мулоҳазаларимизни билдирсак. Биринчидан, 0,44 гектар ер майдони сотиб олинган омборхона жойлашган ҳудуддан ажратиб берилган. Олдин ушбу ер ОАЖ фойдаланишида бўлган. Иккинчидан, собиқ Темирйўл

3

туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қароридан олдин туман бош архитектори А.Шукуров, ер тузиш хизмати ходими А.Маруповлар ер участкасининг режаси ва тавсифини тузишган. Ернинг ҳар бир бурчаги ва чегаралари кўрсатилган. Ана шу чизмага Самарқанд шаҳар архитектура бошлиғи розилигини билдириб, 2000 йил 19 декабрда имзо чеккан. Кадастр хизмати ходимлари томонидан ернинг чегаралари кўрсатилган ҳолда чизмаси тузилган.

— Судга кадастр ҳужжатлари ва ўлчаб берилган ер участкасининг чегаралари қайд этилган топографик чизма тақдим этилган эди, — дейди адвокат Абдулла Ташинов. — Бунинг исботи сифатида топографларнинг чизмаларини келтириш мумкин. Иш материалида қайд этилишича, «Зайнаб» хусусий фирмасига ажратилган ер участкаси ҳудуди бетон девори ва газ қувури билан тугаган. Б.Розиқовга ажратилган ер майдони эса шу чегара ҳудудидан ташқарида жойлашган. Суднинг бу важи кадастр хизмати томонидан берилган хулосага зид. Самарқанд вилоят «Ермулккадастр» хизматининг суд сўровномасига йўллаган 2008 йил 15 декабрдаги хулосасида низоли ер майдони «Зайнаб» хусусий фирмасига тегишли ер майдонидан ажратиб берилганлиги, «Зайнаб» хусусий фирмасига 2001 йил 25 июнда кадастр ҳужжатлари қилинганлиги кўрсатилган. Аслида суд экспертиза тайинлаш йўли билан ҳам бу масалага аниқлик киритса бўларди. Низо биринчи босқич судида кўрилаётганда шунга уриниш бўлган эди. Судья А.Мирмуҳамедова ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ажрим билан қурилиш-техник экспертиза тайинлади. Эксперт олдига низоли ер чегараларини аниқлаш ва Б.Розиқовга ажратиб берилган ер участкаси «Зайнаб» фирмасига қарашли ердан берилганми ёки йўқми, деган саволлар қўйилди. Ишни мазмунан тўғри ҳал қилиш учун бундай экспертизанинг ўтказилиши мақсадга мувофиқ эди. Аммо А.Мирмуҳамедова номаълум сабабларга кўра, ўзининг 09.04.2007 йилги хати билан экспертиза ҳаракатларини ижро қилмасдан қайтаришни сўради. Шундай қилиб, экспертиза хулосаси олинмади, ҳақиқат ойдинлашмади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: нега шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар қарор чиқараётганда тегишли тартибда бу ер кимга тегишли эканини ўрганиб кўришмаган? Ахир олди-сотди бўлган ерлар шаҳар архитектурасида қайд этилади-ку. Юсуф Мамаризаев қўлида ҳам собиқ Темирйўл туман архитектураси ҳужжатлари бор, унга шаҳар архитектори розилик билдириб имзо чеккан. Суд негадир буни инобатга олмади. Юсуф Мамаризаев эса бундан норози бўлиб, ариза ёзишда давом этмоқда.

4

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон ва табиат

ЯШИЛ БОЙЛИК

Марказий ва Шарқий Осиёдаги 23 давлат ичида ўрмон билан қопланганлик даражаси бўйича Ўзбекистон 9-ўринда туради. Агар ер юзида 4 миллиард 126 миллион гектар ўрмонзор мавжудлиги назарда тутилса ва ўрмон билан таъминланганлик даражаси аҳоли жон бошига ҳисобланса, бу рақам — Канада-да бир кишига 24 гектар, Россияда 5, Финляндияда 5, Швеция ва Украинада 3, АҚШда 1,5, Ўзбекистонда эса жон бошига ўртача 0,12 гектар ўрмон тўғри келади. Бугунги кунда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига қарашли ер майдонлари 8 миллион 513 минг гектар бўлиб, шундан 7 миллион гектаридан зиёдини чўл ҳудудлари, 758,53 минг гектарини тоғ ва тоғолди, 277,1 минг гектарини водий ҳамда дарё бўйларидаги майдонлар, 112,4 минг гектари эса алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан иборат.



Ўрмонлар — табиий мажмуа бўлиб, тоғ ва тоғолди ҳудудларида жарликлар пайдо бўлиши ва сув танқислиги муаммосини ечишда, сел ва бошқа ёғинлар натижасида юзага келадиган тупроқ емирилишларига қарши курашда, чўл ҳудудларида қум кўчишининг олдини олишда, дашт ва яйловлар ҳолатини яхшилашда, суғориладиган майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ўрмонзорлар тоза сув сақловчи, тупроқ ва ҳаводаги намликни мўътадиллаштириб турувчи, қурилиш саноати учун ёғоч ва иккиламчи материаллар етказиб берувчи, мевалар, озиқ-овқат ҳамда доривор ўсимликларнинг битмас-туганмас манбаидир. Мана шу оддий ҳақиқатга эътибор берайлик. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ўрмонларга ёққан ёмғир сувларининг бир қисми дарахт баргларига тутилиб, ер юзасига тушаётган томчилар оқимини маълум муддатга сусайтиради. Бу жараён тупроққа сувнинг кўпроқ сингишига имкон яратади. Бундан ташқари, дарахтзорларга ёққан қор узоқ вақт сақланиб туради ва кеч эрийди. Бу тоғ булоқлари сувининг кўпайишига замин ҳозирлайди. Тоғ ўрмонлари баҳор пайтлари рўй берадиган қор кўчкиси ва турли табиий офатлардан ҳимоя воситаси ҳам бўлиб, жарлар ва тоғ ён бағирларини мустаҳкамлайди. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз ўрмончилари олдида ўрмонзорлар майдонини кўпайтириш, мавжудларини асраб-авайлашдек муҳим вазифа турибди.

— Айни дамларда Бош бошқармамиз тасарруфида кўриқхоналар, миллий-табиий боғлар ва ов хўжаликлари бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси, «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий-ишлаб чиқариш маркази, Уруғчилик станцияси, Малака ошириш маркази, «Ўрмон лойиҳа» корхонаси, 62 та ўрмон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Муротбой Ғаниев. — Мамлакатимизда ўрмон хўжалигини ривожлантириш мақсадида 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Ҳозирги кунда ўрмон хўжаликлари ўзларини иш фаолиятларини ана шу дастур асосида олиб бормоқда. Минтақалар бўйича ҳар бир жойни ер ва сув шароитини ҳисобга олган ҳолда ўрмонлар барпо қилиш ҳажмлари турма-тур белгиланган. Чўл, тоғ ва тоғолди яйловлари ҳолатини яхшилаш, бойитиш, маҳсулдорлигини ошириш мақсадида бу ҳудудларни дарахтзорларга айлантириш, кўчма қумларни мустаҳкамлаш, шунингдек, ўрмон фондидаги тоғ ён бағирларида, жарликларда ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши арча, бодом, писта, наъматак, ўрик, тоғ олча ва бошқа ниҳолларни экиб ҳимоя ўрмон плантацияларини ташкил қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Суғориладиган майдонларда асосий эътибор ёғочбоп дарахтлардан плантациялар ташкил этишга қаратилмоқда. Хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона водийси ўрмон хўжаликларида қимматбаҳо Эльдор қарағайи плантациялари яратилмоқда. Бундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида 450 гектардан зиёд майдонда янги кўчатхоналар ташкил этилди ва бу кўчатхоналарда 60 турдан зиёд ниҳол ва кўчатлар етиштириш режалаштирилган. Худди шунингдек, барча ўрмон хўжаликлари томонидан игна баргли дарахтларни, хусусан, Крим қарағайи, Виргин арчаси, тоғ арчалари, «Компактли туя», «Тяншань» ва «Мовий ел» ниҳолхоналари ва кўчатхоналари ташкил этилмоқда.

Сахро ва чўл зоналарида ўрмонларни қайта тиклаш ва янгидан барпо этиш ҳажмлари йилдан-йилга кўпайтириб борилаётир. У умумий ўрмон барпо этиш ҳажмининг 75-80 фоизини ташкил этади. Орол денгизининг куриган қисмида ҳар йили 20 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этилмоқда ва келгусида бу ишлар кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Республикамизнинг мавжуд ўрмонзор массивларидан оқилона фойдаланиш ва уларни кенгайтириш мақсадида халқаро ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилаётир. 2006 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича халқаро Ф.А.О. ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси миллий ўрмон дастури ва ўрмон қонунчилигини ишлаб чиқишда ёрдам» лойиҳасини амалга оширмоқда. Бу лойиҳанинг асосий мақсади дастур ишлаб чиқиш, халқаро андазаларга тўғри келадиган тажрибалар асосида мамлакатимиз ўрмон хўжалиги шароитларини ҳисобга олиб, ўрмон қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг экологик саводхонлигини оширишга хизмат қилишдир. Шунингдек, ўрмон массивларига яқин ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ўрмончиликнинг маълум бир шўъбалари бўйича изланишлар олиб борилади. Республика ва вилоятлар миқёсида қатор семинар ва тренинглар ташкил этилади. Экологик вазиятнинг яхшиланиши мамлакатимиздаги биохилмахилликни сақлаб қолиш учун хизмат қилади.

Яқинда «Қишлоқ маҳаллий аҳолисини ўрмон ресурсларини бошқариш жараёнига янги шерикчилик битимларини тузиш орқали фаол жалб этиш бўйича концепция»сига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда соҳадаги аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» МАҲСУЛОТИ КЎПАЯДИ

Республикамиздаги катта ишлаб чиқариш қувватига эга «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти ҳар йили ўртача 2 миллион 800 минг тоннадан ортиқ қурилиш «нон»и ишлаб чиқаради. Зеро, ўтган йилда навоийлик цементсозлар юқори кўрсаткичга эришиб, 3 миллион тонна маҳсулот тайёрлашди. Қувончли жиҳати, корхонада янги тўртинчи қуйдириш печи жадаллик билан қурилаётир. «Ўзсаноатқурилишбанк» Навоий филиали томонидан ажратилган 1 миллион 29 минг АҚШ доллари ҳисобига бунёд этилаётган бу янги қувват ишга туширилгач, корхона ҳар куни 12-13 минг тонна сифатли цемент ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

— Истиқлол байрамигача бу хайрли ишни ниҳоясига етказамиз, — дейди корхона бош муҳандиси Мақсуд Отабоев. — Шунингдек, биз ўша даврга ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда 2 та цехни замонавий асбоб-ускуна билан қайта жиҳозлаймиз.

Дарҳақиқат, тўртинчи тармоқ иш бошласа, 100 та янги иш ўрни очилади. Ҳозир эса заводда 2400 нафардан ортиқ ишчи самарали меҳнат қилаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



МАМЛАКАТ ҒАРБИ ВА ШАРҚИДАН
мадад келди

Жорий йилнинг 9 апрелидан буён Тбилиси шаҳрида давом этаётган 14 та мухолиф партия хайрихоҳларининг норозилик митингига мамлакат ҳудудларидан яна қўшимча «кучлар» келиб қўшилди, дея хабар беради «Новости» АА.

«Свобода» ҳаракати етакчисининг баёнот беришича, айни дамда Ғарбий Грузиядан 600 та автоколоннада, Шарқий Грузиядан эса 60 та автоколоннада мухолифат тарафдорлари келиб қўшилгани боис, Тбилиси шаҳри кўчаларида транспорт ҳаракати тўхтаб қолди.

Турли маълумотларга кўра, парламент биноси олдида 1,5 мингдан 10 миггача мухолифат вакиллари митинг ўтказмоқда. Президент қароргоҳи ва давлат канцелярия биноси олдида ҳам норозилик митинглари давом этмоқда.

Митинг иштирокчиларининг асосий талаби президент истеъфосини тезлатишдан иборат.

САЙЛОВНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ
бўлиб ўтди

Ҳиндистонда беш босқичдан иборат парламент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. У мамлакатнинг 13 штатида яшовчи 195 миллион сайловчини қамраб олди.

Асосий кураш «Ҳиндистон миллий конгресси» ҳукмрон партияси билан мухолифатдаги Ҳиндистон халқ партияси ўртасида кетмоқда.

Сайлов комиссияси маълумотларига кўра, умуман, сайловда 166 та партиядан 2041 нафар номзод 141 та депутатлик мандати учун кураш олиб бормоқда.

Иккинчи босқич сайловлари куни, яъни 23 апрелда 223 мингта сайлов участкаси ўз эшикларини очди.

Умуман, Ҳиндистонда сайловнинг беш босқичида 829 мингта сайлов участкаси иш олиб боради. 1,13 миллиард аҳолига эга бу мамлакатда 5 йил ичида, яъни аввалги сайловдан бу йилги сайловгача овоз берувчилар сони 43 миллионтага кўпайди ва жорий йилда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлар 714 миллион кишига етди.

Айни пайтда Ҳиндистон 543 та сайлов округига бўлинган. Энг йирик сайлов округи Мадхья-Прадеш штати марказидаги Уннао сайлов округидир. Унда 1,897 миллион сайловчи рўйхатга олинган. 44 минг сайловчисига эга Лакшадвип ороли сайлов округи эса энг кичигидир.

«Новости» АА хабарига қараганда, сайловнинг учинчи босқичи 30 апрелда, тўртинчиси — 7 майда, бешинчиси — 13 майда бўлади. 16 майда сайлов бюллетенлари ҳисоб-китоби якунланади ва эълон қилинади. 2 июнгача эса Ҳиндистон парламентининг қуйи палатаси шаклланиб бўлиши лозим. Сўнг мамлакат бош вазирини сайлаш жараёнига киришилади.

«БИТИРУВ ОҚШОМИ»
ресторан ёки кафе-барларда ўтказилмайди

Минскда жорий йилдан эътиборан ўрта мактабни битирган ўқувчилар ўртасида «урф» бўлган «Битирув оқшоми»ни ресторан ёки кафе-барларда ўтказиш қатъий тақиқланди.

Минск шаҳар ижроия қўмитаси вакили, мафкура ва тарбия ишлари бошқармаси бошлиғи Андрей Стригельскийнинг айтишича, «Битирув оқшоми»ни фақат мактаб биноларида, айрим ҳолларда истисно тарзида маданият муассасаларида жиддий ва оддий тарзда ўтказишга рухсат этилади.

«Интерфакс-Запад» АА хабарига кўра, 12 июнь куни барча мактабларда битирув тадбирлари бўлиб ўтади. Шунинг учун айнан шу куни пойтахт ва бошқа шаҳарларда спиртли ва спирт қуввати кам ичимликлар савдоси чекланади. Шу куни нафақат ўсмирлар, балки уларнинг битирув тадбирларида иштирок этган катта ёшдаги одамларнинг ҳам спиртли ичимликлар истеъмол қилиши қатъий тақиқланади.

12 июнь куни ҳар бир ўқув муассасасида милиция ва фавқулодда вазиятлар бўйича ходимлар навбатчилиги ташкил этилади.

КИТОБ ЎҚИШ
мажбурияти юкланди

Хитойнинг шарқий музофоти бўлмиш Шандунда барча мансабдор шахслардан бир йилда 3 тадан 5 тагача китоб ўқиш ва ўқигандаям уни чуқур таҳлил этадиган даражада тушуниш мажбурияти юкланди.

Асосий мақсад, Хитой социализмининг ўзига хос назариясини чуқур ўрганиш ва теран мушоҳада этиш. Шу билан бирга, замонавий бошқарув назарияси, иқтисодий соҳа, фан ва техника, қонунчилик, тарих, фалсафа, адабиёт, санъат, чет тиллари ва компьютер технологияси билан боғлиқ билимларни ошириш ҳам асосий талаблардан ҳисобланади.

Бу ҳақда «Интерфакс» АА хабар тарқатди.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2009 йил 28 май куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдолар 11.00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдоларга қуйидаги автоуловлар қўйилади:

— Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Б.Зокиров кўчаси, 4-уйда жойлашган O"zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni Ishlar boshqarmasining bo"limi тасарруфидаги 1999 й. и/ч, д/р 10PP175 бўлган «Нексия» автоулови, бошланғич баҳоси — 3 200 000 сўм, закалат миқдори — 640 000 сўм;

— Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги 2001 й. и/ч, д/р 10UZ606 бўлган «ГАЗ-3102» автоулови, бошланғич баҳоси — 11 336 600 сўм, закалат миқдори — 2 270 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун юқорида кўрсатилган миқдордаги закалат пули «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига ўрнатилган тартибда тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунга қадар тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Савдолар ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотларни олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, электрон почта P-A DUK@mail.ru

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2009 йил 26 май куни аукцион савдоларига

«Банкрот» деб эътироф этилган «4-SON QURILISH TRESTI« ОАЖга қарашли Тошкент шаҳар, Темур Малик, 2-«А» уйда жойлашган Кичик механизация бошқармасининг 4400 кв.м бўлган ер участкасида умумий майдони 1041 кв.м бўлган қуйидаги бино ва иншоотлари 127 698 820 сўм бошланғич баҳо билан қўйилишини маълум қилади:

Блок «А» — шийпон —260 кв.м, блок «Б» — шийпон — 24 кв.м, блок «В» — цех — 226 кв.м, блок «Г» — цех — 101 кв.м, блок «Д» — шийпон — 80 кв.м, блок «Е» — цех — 81 кв.м, блок «Ж» — ёрдамчи бино — 31 кв.м, блок «З» — қоравулхона — 10 кв.м, блок «И» — цех — 130 кв.м, блок «К» — шийпон — 79 кв.м, блок «Л» — ҳожатхона —19 кв.м.

Ушбу мулкларни тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун ўрнатилган тартибда тақдим этиладиган буюртмалар савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагани билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан камида 15% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мазкур объект савдога қўйилиши белгиланган кунда сотилмаган тақдирда шу йилнинг 26 июнига қадар ҳафтанинг ҳар сешанба куни аукцион савдоларига такроран қўйилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уйда ўтказилади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 233-23-49, 233-23-40.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1999 йилда Искандарова Муқаддас Исламовна номига берилган инглиз тили факультетини тамомлаганлиги тўғрисидаги №195554 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сайдинов Анвар Адилович номига берилган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, ф.Хўжаев кўчаси, 51-уйга тегишли бўлган уй плани, ордери ва ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«LOCHIRA-MAK» МЧЖ

кредиторлари мажлиси қарори ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ корхонанинг тугатув бошқаруви Сизларни

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдолар 2009 йил 25, 29 май кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй, 4-қаватда бўлиб ўтади.

Очиқ аукцион савдоларига «LOCHIRA-MAK» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, «Фарғона йўли» кўчаси 33-уйда жойлашган мол-мулклари мулкий мажмуаси қўйилади. **Бошланғич баҳоси — 243 000 000 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расимийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини тўлашлари шарт.

Закалат пули «Hamkorlik Mulksavdoservis» МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов туман бўлимидаги 20208000104597298001 ҳисоб рақамига ўтказилади, КОД-00876, СТИР 300357575.

Аукцион савдосидан сўнг, ғолиб харидор ва тугатиш бошқарувчиси ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномаси савдо натижаларига кўра ўн кунлик муддат ичида тузилиши шарт.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

ариза ва закалат тўғрисидаги келишув (юридик ва жисмоний шахслардан); юридик шахслардан, корхона гувоҳномаси ва уставидан нусхалар; савдода иштирок этадиган ишончли вакиллар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; паспорт нусхаси; савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

Тугатиш бошқаруви: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 33-уй. Тел:(+99897) 404-60-45.

Савдо ташкилотчиси: «Hamkorlik Mulksavdoservis» МЧЖ, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй, 4-қават. Тел/факс: 241-43-97.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер № 5 на 2009 года на приобретение нижеследующих материалов по лотам согласно графика поставки (2-4 квартал 2009 года).

Лот № 1. Сталь листовая 4 мм, ст 09Г2С-12 категории, раскрой 1500х6000 мм, ГОСТ 19281, 19903 в количестве 495 тонн.

Лот № 2. Сталь листовая 6 мм, ст 09Г2С-12 категории, раскрой 1500х6000 мм, ГОСТ 19281, 19903 в количестве 420 тонн.

Лот № 3. Сталь листовая 8 мм, ст 09Г2С-13 (14) категории, раскрой 2000х6000 мм, ГОСТ 19281, 19903 в количестве 260 тонн.

Лот № 4. Сталь листовая 10 мм, ст 09Г2С-13 (14) категории, раскрой 2000х6500 мм, ГОСТ 19281, 19903 в количестве 520 тонн.

Лот № 5. Сталь листовая 12 мм, ст 09Г2С-13 (14) категории, раскрой 2000х6500 мм, ГОСТ 19281, 19903 в количестве 495 тонн.

Лот № 6. Профиль зетовый Z-310, длиной 12,7 м, ГОСТ 19281, 5267.3, 5267.0, марка стали 345-09Г2С-14 категории в количестве 210 тонн.

Лот № 7. Профиль зетовый Z-310, длиной 16 м, ГОСТ 19281, 5267.3, 5267.0, марка стали 345-09Г2С-14 категории в количестве 180 тонн.

Лот № 8. Эллиптические днища котлов, размер 3000х12х600, ст 09Г2С-13 (14) категории, ГОСТ 6533, 5520, 19281 в количестве 120 штук.

Лот № 9. Швеллер 20В2 ст 09Г2С-14 категории, длиной 12,7 м, ГОСТ 5267.0, 5267.1, 19281 в количестве 195 тонн.

Лот № 10. Швеллер 20В2 ст 09Г2С-14 категории, длиной 16 м, ГОСТ 5267.0, 5267.1, 19281 в количестве 130 тонн.

Лот № 11. Сталь листовая 8 мм, ст 15ХСНД, раскрой 1500х6000 мм, ГОСТ 19903, 19281, в количестве 180 тонн.

Лот № 12. Прокат шестигранный № 36, ст20, ГОСТ 2879, 1050, в количестве 455 тонн.

Лот № 13. Швеллер стальной, равнополочный ст 09Г2С-12 категории, размер 100х80х5 мм, ГОСТ 19281, 8278 в количестве 180 тонн.

За тендерной документацией обращаться по адресу: **г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйуленилгитаъмин», комната 410, тел.: 237-94-72, 237-96-33.**

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

ҲУР ЎЗБЕК ЮРТИМГА БОШ КЕНТИМ

ҚАСИДА

Тангритоғ қўйнида яшнаган,
Сўлим жой Туроилар юртидир.
Бу уч минг йил аввал яшаган,
Зардуштий бобомнинг лутфидир.
Тошлардан олинди нисбатинг,
Чоч кентим, Бинкатим, Шош кентим.
Дунёга таралди шуҳратинг,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.

Дош бердинг қаҳратон қишларга,
Боғларинг гуллатди баҳорлар.
Кечмишинг айланди тушларга,
Қайтадан жўш урди анҳорлар.
Юксалди истиқлол байроғи,
Ҳур ўзбек юртимга бош кентим.
Чорлади истиқбол маёғи,
Тошкентим, Тошкеним, Тошкентим.

Юлдузга қўл чўзди одамлар,
Ёришиб борянги кечалар.
Ҳар ёнда залворли қадамлар,
Кўрк очди қадимий кўчалар.
Қурдошинг Бухоро, Самарқанд,
Ҳамиша навқирон, ёш кентим.
Дунёда обрўйинг сарбаланд,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.

Олдинда қатма-қат асрлар,
Барига етади ғайратинг.
Улғаяр баркамол насллар,
Мунчоқдай тизилар зийнатинг.
Бахтингга пойдевор Оқсарой,
Довондан довонга ош кентим.
Бошингдан кетмасин Қуёш, Ой,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.

ҲАЗРАТИ ИМОМ

Тошкентим шуҳрати овоза десам,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.
Дунёда муҳташам дарвоза десам,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.

Нақадар беназир Оллоҳ инъоми,
Қаффол Шоший эрур улуғ имоми,
То абад ёғилгай башар саломи,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.

Ҳамиша нурафшон Усмон Мусҳафи,
Шу боис баланддир шони-шарафи,
Кўзимга тўтиё унинг ҳар ҳарфи,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.

Себзорда юкуниб ўйга толурман,
Яраттан олдида ёлғиз қолурман,
Энг эзгу ниятим тилга олурман,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.

Ибодатдан қулфи дилим очилар,
Холис дуо учун қўлим очилар,
Қачондир толеим, йўлим очилар,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.

Гўёки Тошкентим кўзим гавҳари,
Ҳазрати Имомдир азиз меҳвари,
Доим юрагимда меҳрим жавҳари,
Ширин каломимда Ҳазрати Имом.

ОҚШОМ

Бунчалар кечикдинг учрашувга ёр,
Яхшиям, бор экан тоқдайин бардош.
Зор-зор кута-кута бўлдим бахтиёр,
Қиш-қизил шафаққа ботганда Қуёш.
Висол чоғи шошма, Тошкент оқшоми,
Ярим тундан ошма, Тошкент оқшоми.

Шукурки, ушалмиш орзу-армоним,
Иккимиз шарафлар ойдин кўчалар.
Қанийди, ҳамиша бўлса посбоним,
Юлдузларга тўла шундай кечалар.
Ишқимизга сирдош, Тошкент оқшоми,
Бошимизга нурпош, Тошкент оқшоми.

Эшигинг олдида хайрлашдинг сен,
Сездирмай оҳ урдим юрагим ушлаб.
Ўша онда маъюс бўлиб қолдим мен,
Назаримда дунё қолгандай бўшаб,
Ширин тушимидми, Тошкент оқшоми,
Фикру ҳушимидми, Тошкент оқшоми!

Асрор МЎМИН

❖ Таълим ислоҳоти

ЭЪТИБОРДАН ҲАММА МИННАТДОР

Яқинда Шўрчи туманидаги 122-кар болалар махсус мактаб-интернатининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Кўркам ётоқхона ва янги ўқув биносини Қумқўрғон туманидаги «Мунчоқтепа» ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхонаси жамоаси қисқа фурсатларда бунёд этди. Унинг қурилишига 581 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Бу ерда айни кунларда 305 нафар бола таълим-тарбия олмоқда. Ёшларга 62 нафар устоз-тарбиячи сабоқ бермоқда. Шинам ва ёруғ синфхоналар махсус эшитиш мосламалари билан жиҳозланган. 120 ўринга мўлжалланган ошхона, тиббиёт маскани, ёпиқ спорт мажмуи ёшлар ихтиёрида. Кар ва кўзи ожиз болаларни касбга йўналтириш бўйича иккита дурадгорлик устахонаси, қизлар учун эса бичиш-тикиш хоналари мавжуд. Шунингдек, волейбол, футбол, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа ўнга яқин тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

— Муассасамизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан талай хайрли ишлар амалга оширилаётир, — дейди мактаб-интернат директори Дониёр Бобонов. — Айниқса, туман ва вилоят ҳокимликлари, халқ таълими бошқармаси, «Шўрчи дон маҳсулотлари», «Шўрчи пахта» акциядорлик жамиятлари ҳамда бошқа талай ҳомийлардан миннатдормиз.

Мактаб-интернат янги биносининг тантанали очилиш маросими шодиёнага айланди. Ҳомий ташкилотлар мактаб учун зарур бўлган жиҳозлар ва ҳар хил совғаларни топширишди. Ўқитувчилар, ота-оналар ҳукуматимиз томонидан ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдор эканликларини изҳор этишди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.

«КОРЕЯ МАДАНИЯТИ ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ»

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Корея маданияти Ипак йўли бўйлаб» концерт дастури бўлиб ўтди. Корея маданияти фестивали доирасида ташкил этилган бу тадбирда Жанубий Корея республикасининг кўзга кўринган ижодий гуруҳлари ва ижрочилари ўз маҳоратини намойиш этишди.

Жанубий Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида уюштирилган бу тадбир ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Корея маданияти Ипак йўли бўйлаб» концерт дастурида Жанубий Кореянинг фольклор ва вокал гуруҳлари, рақс жамоалари, яккахон хонандалари ҳамда корейс миллий мусиқа асбоблари — каягим ва дэгим ижрочилари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Ўзига хос қўшма концерт дастурида Кореянинг замонавий рақс санъатини намойиш этувчи машҳур В-boy жамоаси билан биргаликда юртимизнинг «Ўзбекистон» ва «Сабо» миллий рақс дасталари ҳам иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз)

Божхона бекати

ҲУЖЖАТСИЗ «ORIFLAME»

«Тошкент-Хазорасп» йўналишида ҳаракатланаётган «Сетра» автобуси божхона назоратидан ўтказилганда унга 3500 донага яқин 8 турдаги косметика маҳсулотлари юкланганлиги ва қиймати 3,2 миллион сўмга яқин бу моллар фуқаро Ф.Атамуродовага тегишли эканлиги маълум бўлди.

Фуқаро Г.Жумаева қиймати 1 миллион 300 минг сўмлик 57 турдаги парфюмерия маҳсулотларини бошқа бир «Сетра»га юклаб, Бухорога йўл олганида навоийлик божхоначилар томонидан тўхтатилди.

Сирдарё вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро А.Ҳакимовнинг хонадони кўздан кечирилганда қарийб 100 турдаги 6 минг донадан зиёд атирупалар яширинча сақланаётгани аниқланди. «Oriflame» хорижий компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бу маҳсулотларнинг умумий қиймати салкам 30 миллион сўмни ташкил қилди.

Жиззахдан Самарқандга қадар бўлган масофани автомашинада тезда босиб ўтиш мумкин. Аммо, фуқаро А.Негматов «Нексия»да бўлишига қарамай, ана шу йўлни босиб ўтолмади. Сифат кафолатига ва тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган қарийб 1000 дона турли хил парфюмерия маҳсулотларини олиб кетаётгани учун у тўхтатилди...

ЯШИРИЛГАН «СОТКА»ЛАР

Лондондан юртимизга учиб келган фуқаро А.Ахунджановдан 10 дона «NOKIA» русумли «сотка»лар Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан тегишли ҳужжатлари бўлмагани учун олиб қўйилди.



17 ДОНА ТЕЛЕВИЗОР

Яқинда Фарғона вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида ана шундай кимсалар фош этилди. Қўшни давлат билан чегарадош ҳудуддаги айланма йўлларда ҳаракатланаётган «ВАЗ-2106» автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, Хитойда ишлаб чиқарилган **17 дона «LG» телевизори** борлиги маълум бўлди. Ушбу товарларни фуқаро Б.Ҳакимов тегишли ҳужжатларсиз юртимизга олиб киришга уринган экан.

Пахтаобод туманидаги айланма йўллардан бирида чегара симлари остидан юртимизга киришга уринган кимса ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларини кўриб қолгач, юкларини ҳам ташлаб, ортига жуфтакни ростлаб қолди. Воқеа жойи кўздан кечирилганда эса, у ерда тегишли ҳужжатлари бўлмаган 3 дона «Samsung» телевизори қолдирилганлиги маълум бўлди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Қонунчилик палатаси депутати Нўъмонжон Аҳмаджоновга онаси **ЗУЛФИЯЖОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

❖ Жисмоний маданият

ҚОМАТИ ШАМШОД ОДАМЛАР...

МУЛОҲАЗА ЎРНИДА

Эрталаб ишга одам сийрак кўча бўйлаб кетаётувдим. Маҳалладаги дўкон олдида икки нафар йигит бир қоп шакарни «Дамас»дан ерга туширишга қийналиб туришган экан. Улар йўлакдан ўтаётган олтмиш ёшлардаги одамга: «Амаки, бир четидан оливоринг» дейишди. Йўловчи келди: «Қани, ўғилларим, нарироқ турингдар-чи», деди-да, қопни даст кўтариб, дўконнинг эшиги олдига олиб бориб қўйди. Бири ўрта бўй, иккинчиси новчароқ бояги икки йигит серрайиб қолишди.

Амаки, йигитлардан бирининг елкасига қоқиб, «Ҳечқиси йўқ, менинг ёшимга етганда икки қопниям «кўрдим» демайдиган бўласан», — деди кулимсираб.

Оппоқ сочли, тик қоматли ўша кишини эрталаб кўчада кетаётганини тез-тез кўраман, саломлашаман.

«Одатдагидай ишга пиёда кетаяпсизми?» — сўрадим бир гал. «Йўқ, пенсиядаман, лекин инсонга жисмоний ҳаракат керак. Ҳар куни эрта тонгда «юриш»га чиқаман. Руҳим кўтарилади, ўзимни бардам сезаман. Кейин тоза ҳаво...» — деди у.

Хўш, яёв юришнинг инсон учун фойдали томонлари нималардан иборат?

Мутахассис изоҳи:
Муаззам Мелиева, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Жисмоний тарбия институти «Биохимия ва гигиена» кафедраси мудири:

— Жисмоний маданият кенг қамровли тушунча. У инсоннинг узоқ умр кўриши, қадди-қомати тик, кўркам, бакувват, мухтасар айтганда, жисмонан соғлом ҳаёт кечириш демакдир.

Жисмоний маданиятга эришишнинг энг содда ва осон йўли — юриш машқларини бажариши керак бўлади. Инсон саломатлигини сақлаш учун бир кунда мушаклар ҳаракатида камида 1200 килокалория энергия йўқолади. Аммо баъзи одамлар камҳаракатли бўлиб, ақлий меҳнат билан шуғулланиш жараёнида атиги 600-1000 килокалория энергия йўқотади, холос.

Тана мушаклари тўлиқ ишламаслиги инсон организмида модда алмашинуви жараёнининг бузилишига олиб келади. Оқибатда артериал қон босими ошади, юрак-қон-томир касалликлари пайдо бўлади. Ўтроқ ҳаёт тарзида одам қомати ўзгариб, беўхшов семириб кетади.

Одам соғлом ва сарвқоматли бўлиш учун мутахассис сифатида имкон қадар кўп яёв юришни тавсия этардим. Аммо юришда ҳам юриш бор. Инсон спортнинг бу тури билан шуғулланишида юриш маданиятига амал қилиши жоиз.

Савол туғилиши мумкин, қандай юриш керак? Бунинг учун юрганда бош ва танани орқа қисмини тўғри тутиш, елкани эркин қўйиш, қоринни ичкарига тортиб, бир текисда одимлаш керак.

Бундай юрганда инсон танасининг оғирлик маркази юқорида бўлиб, қадамлар кенг ташланади. Ҳар қадам босганда оғирлик товонга, аниқроғи, оёқнинг ташқи қиррасига тушади. Оёқ ости 40° бурчак остида ерга босилади, бу пайтда болдир оёқ юзига тўғри бурчак билан қараган бўлади. Шуни ёдда сақлаш керак, инсон тўғри юрганда тананинг ҳамма мушаклари ҳаракатда бўлади, барча майда томирларда қон айланиши фаоллашади, одамнинг юз, бадан териси тиниқлашади, мушаклар ва бойламларнинг бақувватлашуви ҳисобига қомат кўркам, тик, шамшоддек бўлади... — дейди мутахассис биз билан суҳбатда.

Шифокорлар таъкидлашича, мунтазам яёв юришни машқ қилганлар руҳи тетик бўлади, бош оғриғи ёки ноҳуш воқеаларга таъсирчанлик — депрессиядан холи бўлади. Шошилмай, оҳиста қадам ташлаб юриш — инсоннинг қон босимини бир маромда ушлайди, қонда холестирин миқдорини камайтиради, оқибатда, атеросклероз хасталиги олди олинади.

Қонда ахолестерин миқдорининг ошиши ҳисобига атеросклероз ва саратон хасталигига чалиниш, суякларга «юк» тушгани учун уларда моддаларни йўқотиш хавфи камаяди, ёши катта одамларда эса остеопороз касаллигига чалинишдан муҳофазалайди.

Тўғриси, пиёда юриш, сайр қилиш бизга янгилик эмас, унинг фойдали томонлари ҳақида кўп гапирилади. Аммо кўпчилик жисмоний имкониятга эга бўла туриб, амалда уни бажармайди.

Руҳшунослар инсон юриш машқларини бажариши учун масофанинг, вақтнинг аҳамияти йўқлигини айтишади. Сабаби, қанча пиёда юриш одамнинг ёши ва организми имкониятига меъёр жиҳатдан мос бўлиши керак.

Умр инсонга Оллоҳ томонидан ўлчаб берилган бебаҳо неъмат. Уни асраш — одамнинг ўзига ва унинг турмуш тарзига боғлиқ.

Шулар ҳақида ўйлаяпман-у, беихтиёр кўз ўнгимда таниш йўлка бўйлаб кетаётган шамшод қоматли инсон қиёфаси гавдаланаверади...

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda